

Транспорт хизматларини ташкил этиш бўйича мавжуд йўналишлар ҳамда фуқаролардан таклифлар қабул қилиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш интерактив-хизмати регламенти

1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорт)

1.1. Интерактив хизмат номи

Транспорт хизматларини ташкил этиш бўйича мавжуд йўналишлар ҳамда фуқаролардан таклифлар қабул қилиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш

1.2. Интерактив хизмат натижаси

Веб-сайтнинг ушбу интерактив хизмат бўлимига кирганда транспорт хизматларини ташкил этиш бўйича мавжуд йўналишлар ҳамда фуқаролардан таклифлар қабул қилиш тўғрисида масалалари бўйича маълумотларни олиши ёки маълумотларни фойдаланувчи компьютерига юклаб олиш имкони яратилади.

1.3. Интерактив хизматни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда хизмат кўрсатиш манзили

*Вилоят хокимлигининг расмий веб-сайтида Интерактив хизматлар хаволасида мавжуд.
Веб-сайтдаги хаволаси*

1.4. Қонуний асоси

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги "Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш автомобиль транспортида очилган тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш масалалари тўғрисида"ги 368-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги № 181-сонли қарори

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

вилояти хокимлигининг расмий веб-сайтига кириш имконига эга бўлган, транспорт хизматларини ташкил этишга қизиқиши бўлган фуқаролар ва тадбиркорлар.

1.6. Хизматдан фойдаланишга сўров юбориш муддати.

Кўрсатилаётган интерактив хизмат орқали интерактив тарзда таклиф ва мулоҳаза юбориш имконияти яратилган.

1.7. Бажарилиш муддати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳар атрофида, шаҳарлараро (вилоятлар ичида, вилоятлараро) ва халқаро йўловчилар ташвиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида низом талаблари асосида амалга оширилади.

2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш.

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Транспорт хизматларини ташкил этиш бўйича мавжуд йўналишлар ҳамда фуқаролардан таклифлар қабул қилиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш

Транспорт хизматларини ташкил этиш бўйича мавжуд йўналишлар ҳамда фуқаролардан таклифлар қабул қилиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш

2.3. Сўровга асосан бериладиган ахборотлар

Интерактив хизматга кирилганда саҳифанинг пастги қисмида электрон кўринишда мурожат йўллаш орқали маълумот олиш имконияти яратилган, шунингдек Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайтига кириб маълумот олиш мумкин.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмий веб- сайти орқали маълумотларни олиш мумкин.

2.5. Талаб қилинадиган ҳужжат бланкалари (форма)

Бланкалар талаб этилмайди.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Кун давомида

3.2. Қутуш шартлари

Қутуш шартлари мавжуд эмас

4. Хизмат кўрсатиш жараёни

4.1. Зарурий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳар атрофида, шаҳарлараро (вилоятлар ичида, вилоятлараро) ва халқаро йўловчилар ташвиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида низом талаблари асосида сўралган барча ҳужжатлар.

4.2. Хизмат учун тўлов.

Хизмат бепул

4.3. Интерактив хизмат кўрсатиш боскичлари

Босқичлар мавжуд эмас

4.4. Хизмат кўрсатиш учун ички идоравий жараёнлар

- 1) Жараён 1: Маълумотларни таёрлаш.*
- 2) Жараён 2: Веб-сайтга жойлаштириш*

4.5. Рад этиш сабаблари

Рад этиш сабаблари мавжуд эмас.

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Расмий веб-сайтдаги анкета орқали баҳоланади.

5.2. Кўрсатилган хизматга оид шикоятлар

Хизматдан норози бўлган шахслар, расмий веб-сайтдаги виртуал муурожажат орқали ўз шикоятларини қолдиришлари мумкин.

Интерактив хизмат кўрсатиш схемаси



Ички идоравий жараёнлар схемаси

